

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

2-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Б.Холматова</b>	
Маънавий маданият тараққиётида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро алоқадорлиги .....	167
<b>А.Шарафиддинов</b>	
ХIX аср охири – XX аср бошларида Қўқон шаҳри аҳолиси ва унинг ўсиш динамикаси.....	170
<b>Д.Алиназарова</b>	
Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги гуманитар алоқалар .....	173
<b>Ш.Мамадалиев</b>	
Болалар ўртасида хукуқбузарликлар олдини олиш бўйича совет ҳокимиятининг фаолияти (1917 – 1921) .....	176
<b>М.Мўминова, И.Якубов</b>	
Кетрин Мансфилд ҳикояларидаги ёлғизлик .....	178
<b>Н.Хошимова</b>	
Ассоциацияларнинг фоносемантик тадқиқи .....	180
<b>Н.Аббасова</b>	
Тип ўргатиш жараёнида инглиз мақол ва маталларини ўқитиш муаммолари.....	183
<b>Ш.Юсупова</b>	
Ўзбек тилига хос асосий диний концептлар ҳақида .....	187
<b>М.Курбанова, Д.Юсупова</b>	
Замонавий инглиз тилида “to force” феълининг функционал-семантик ва парадигматик тавсифи.....	190
<b>М.Гофурова</b>	
Инглиз тилида қўлланиладиган варваризмларнинг функционал – семантик хусусиятлари .....	193
<b>М.Исломова</b>	
Ҳаёт ҳақиқати ва аллегорик тасвир.....	197
<b>С.Исройлова</b>	
Ҳикоят (притча)нинг бадиий адабиётдаги ўрни .....	200
<b>М.Мадазимова</b>	
Чингиз Айтматов ижодида архетип образлар ва уларнинг функцияси .....	203
<b>М.Хожиева</b>	
Назира ва унинг мумтоз адабиёт тарихидаги ўрни.....	206
<b>М.Ходжаева</b>	
Тилнинг товуш тизимини тадқиқ қилишнинг назарий методологияси.....	208
<b>М.Қаҳҳорова, Г.Астонова</b>	
Замонавий дарсликларда ёзиш кўнилмаларини ривожлантириш усуллари .....	211
<b>Н.Үринова, З.Жакбарова</b>	
Талабаларда ижтимоий-маданий компетентликни шакллантиришнинг педагогик- психологик муаммолари .....	214
<b>Д.Ҳайдарова</b>	
Ноғилологик олий ўкув юртлари талабаларининг чет тилида коммуникатив компетенциясини шакллантириш мазмуни.....	217
<b>Ф.Мирзараҳимова</b>	
Чет тилини ўқитишда ижтимоий-маданий воситалардан фойдаланишнинг айrim жиҳатлари.....	220
<b>М.Қурбонова</b>	
Ўқитувчиларни ўқитиш ва психологик таълимнинг устуворликлари .....	225
<hr/>	
<b>ФАНИМИЗ ФИДОЙЛАРИ</b>	
<b>УСТОЗЛАР САРДОРИ</b> .....	227
<b>МОҲИР ТАДҚИҚОТЧИ</b> .....	231

УДК: 41+371 036

## НАЗИРА ВА УНИНГ МУМТОЗ АДАБИЁТ ТАРИХИДАГИ ЎРНИ

## НАЗИРА И ЕГО МЕСТО В ИСТОРИИ КЛАССИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

## NAZIRA AND ITS ROLE IN CLASSIC LITERATURE HISTORY

М.Хожиева

## Аннотация

*Мақолада Назира ва унинг хусусиятлари, бошқа шеърий шакллардан фарқи, мумтоз мерос, адабий муҳит ва муайян ижодкор меросида тутган ўрни ҳақида сўз боради.*

## Аннотация

*В статье рассматриваются особенности Назиры и его различия, его место в классическом наследии, в литературной среде и определённого творца.*

## Annotation

*In this article Nazira and its features, different from other forms of classic heritage, literary environment and the role of a particular creator in their heritage is mentioned.*

**Таянч сўз ва иборалар:** анъана, янгилик, адабий муҳит, замонавийлик, ўзига хослик, мумтоз шеърият, бадиий қиммат, ижодий позиция.

**Ключевые слова и выражения:** традиция, новаторство, литературная среда, современность, своеобразие, классическая поэзия, литературная ценность, творческая позиция.

**Keywords and expressions:** Tradition, literary medium, modernity, originality, classical poetry, literary value, creative poetry.

Ўзбек мумтоз адабиётида асрлар бўйи давом этиб келаётган анъаналар бир қанча анъаналар мавжуд. Турли давр сўз санъаткорлари бу анъаналарни ўзига хос тарзда, янгича рух бағишиланган ҳолда давом эттириб келмоқдалар. Ана шундай анъаналардан бири назирачилик ҳисобланади. Назира шеърларга адабиётшунослар турлича нуқтаи назардан ёндашадилар. Аксарият бадеъшунослар уни тақлиднинг бир тури, янги гап айтишга имкон бермайдиган шаклбозликнинг кўриниши, деб ҳисоблайдилар. Хўш, аслида назира нима?

“Назира – (ар. ўхаш нарса) салафлар ёки замондош шоирлар асарларига ўхшатма, жавоб тариқасида яратилган асар. Шоир назира яратар экан, бирор асарга кўр-кўронга тақлид қилмайди, унга ижодий ёндашади, асар мазмунини ривожлантиради, ғоявий мотивлари, образларини бойитади, бадиий қимматини оширади. Шу билан у асарга ўз даври, тарихий шароити ва адабий муҳити руҳини киритади” [1,165].

Ўзбек мумтоз шеъриятининг буюк вакиллари – Алишер Навоий, Ҳусайнӣ, Машраб, Фурқат кабиларнинг бу соҳада моҳирона қалам тебраттганлари маълум. Алишер Навоийнинг “Девони Фоний” асарига кирган аксарият шеърлар назиралардан иборатdir. Айтиш мумкини, улуғ ўзбек

шоири ва мутаффаккири мазкур асари билан ўзбек адабиётида форс-тожик тилида яратилган назирачиликнинг асосчиси сифатида тарихда қолди.

Шоир Кулфатни ҳам ўзбек мумтоз шеърияти тарихида назирачиликнинг таникли намояндадаридан бири, деб ҳисоблаш мумкин. Чунки шоир Кулфат Навоийнинг кўп ғазалларига назира боғлашда муваффақият қозонган.

Шарқ, хусусан, ўзбек мумтоз адабиётида татаббуъ атамаси ҳам кенг қўлланилади. Мазкур атама назира га яқин турса-да, ундан фарқ қиласи.

Татаббуъ – (ар. эргашмоқ) ижодкорнинг бирон бир шоирга эҳтироми белгиси сифатида ёки беллашиб, мусобақалашиш мақсадида унинг бирон асарига ёзилган жавоби. Жавоб ўша асар мавзуси, вазни, қоғия тизими доирасида ёзилиши шарт бўлган. Татаббуълар шеъриятнинг исталган жанри ё шакли – фарддан тортиб достонгача ёзилиши мумкин. Адабиётимизда татаббуълар ғазал ва достон шаклларида битилган [2,253].

Қўйон адабий муҳитида назирачилик кенг ривожланди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1927 йилда “Ўзбек хотини тилидан” шеърини Бобораҳим Машрабнинг “Дастингдан” радифли мухаммасига назира тарзида ёзди. Ҳамза Машраб шеърининг вазни, қоғияси ва радифини саклаган ҳолда ёзган мазкур шеъри мусаддас тарзида

М.Хожиева – ҚДПИ, ўқитувчи.

яратади. Машраб эса мухаммас тарзида баён қиласы.

Машраб мухаммасида айтишича, уни күзининг оқидек меҳрибон, руҳи равони, дилининг қуввати бўлган ёридан айирдилар. Ошиқ чаманда булбул каби ошиёнсиз, ҳатто вайроналардан ҳам макон топа олмайди. Яқинидан, азизидан жудо бўлиб, бошида сүянчиғи йўқ ошиқ ҳеч кимни ўзининг ҳолатига тушишини хоҳламайди. Бу ёруғ олам ҳам кўзига тордек бўлиб кўринади. Аммо у яратгандан умид узмайди. Ҳаётга ишонч-умид билан бокади, ҳиммат йўлига етишликни орзу қиласы:

**Илоҳо, менга еткургаймукин хуршиди матлабни,**

**Саодат вақтида бошимға чун иқболи кавкабни,**

**Илоҳо, сен етур ҳиммат йўлиға хаста Машрабни,**

**Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,**

**Ки мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод дастингдин [3, 185].**

Ҳамза мусаддасида эса замона зайлidan нолиган, озодликка чиқишни орзу қилган аёлнинг дарду ҳасратлари ифода килинган.

**Ёш умри жовидонлар бўлди чун барбод, дастингдан,**

**Асир қолдиқ жаҳонда, бехабар устод, дастингдан [4, 194].**

дэя ўзи яшайтган муҳит ҳамда мавжуд тузумдан азият чеккан лирик қаҳрамон - аёл ижтимоий муаммолардан шикоят қиласи. Бу жаҳонда булбул эдик, катаклар бизларга ошиён бўлди, гўё қанотсиз кўршапалак каби қоронғу зинданларни макон қилганимиз. Бу зинданлар ғорга ўхшайди. Қўёш нури чаманларга тушмагани каби паранжи ҳам бизнинг илму фандан баҳраманд бўлишга тўсқинлик қилаётir. Бошқа мамлакат аёллари биздек паришон бўлмади, тирик бўла туриб, кафанга бурканиб, кабрга, яъни зинданга

солинмайди, дея нола чекади паранжи – ҳиммат асираси бўлган аёл.

Машраб мухаммасида

**Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,**

**Ки мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод дастингдин**

байти тақрорланади.

Ҳамза назирасида эса

**Ҳама озод бўлди, бўлмадик озод дастингдан,**

**Бугун Байналмилалга дод этармиз, дод этарман, дод дастингдан**

тарзида ижтимоий мазмун кучайтирилади.

Машраб мухаммасида аёл-ёр анъанавий кўринишида, ошиқка меҳр кўрсатмайдиган маъшуқа сифатида гавдаланади (Машраб мухаммасида тасаввуфий қарашлар акс этган). Ҳамза мусаддасида эса озодликка ташна бўлган аёлнинг лирик образи гавдаланади. Бир сўз билан айтганда, Машраб шеърида акс этган мавзу Ҳамза ижодида янгича маъно, замонавий руҳ касб этади.

Демак, назира ҳамда татаббуъ бирбиридан фарқ қиласидиган адабий тушунчалардир. Назира тарихий шароит ва адабий муҳит руҳи кўпроқ акс этади, татаббуъда эса асар мавзуси, вазни, қофия тизими сақланиши шарт бўлади. Назира мавзу, мазмун ва шаклга ижодий қаралади, ғоядагина эмас, балки бадиий шаклда ҳам ўзгариш рўй беради. Татаббуъда эса машхур шоирнинг асарига унинг қофияси ва вазни сақланиб, жавоб тариқасида ёзилиши лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, бирор адабий муҳит, мактаб ёки муайян ижодий доира ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиш, муаллифларнинг дунёқарashi, ижодий позицияси, энг муҳими, услуг хусусиятларини белгилашда назира шеърлар тадқиқ ва таҳлили муҳим аҳамиятга эгадир.

### Адабиётлар:

1. Салиев Ф., Курбонниёзов Г. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги. – Т.: “Янги аср авлоди”. 2010.
2. Салиев Ф., Курбонниёзов Г. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги. – Т.: “Янги аср авлоди”. 2010.
3. Машраб. – Т.: F.Уулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1971.
4. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. 2-том, –Т.:1988.

(Такризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори).